Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O‘ZBEKISTON OVOZI

● 2014-yil, 13-sentabr. Shanba ● 111 (31.858) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам давлат раҳбарлари!

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Аввалambор, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари, ШҲТда кузатувчи мақомига эга бўлган давлатлар раҳбарлари ва мазкур саммитга таклиф этилган меҳмонларга ўзимнинг самимий ҳурматимни изҳор этишга рухсат бергайсиз. Фурсатдан фойдаланиб, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонга самимий меҳмондўстлик ва бугунги учрашув юксак савияда ташкил этилгани учун миннатдорлик билдирмоқчиман.

Бугун бу ерда давлат раҳбарлари томонидан ШҲТнинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти юзасидан билдирилган фикрларга қўшиламан. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти нисбатан қисқа даврда жаҳон сиёсатида муҳим ўрин тутаётган нуфузли халқаро тузилмага айланди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Кейинги вақтда, дунёнинг турли жойларида қарама-қаршилик ва кескинликлар кучайиб бораётган бир шароитда ташкилотга аъзо мамлакатлар, шунингдек, кузатувчи давлатларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан минтақада тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, терроризм, сепаратизм, экстремизм, наркотрафик ҳамда бошқа хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилди.

ШҲТнинг Миллий координаторлар кенгаши, Хавфсизлик котиблари ва экспертлар кенгаши даражасида амалга оширилаётган улкан ишларни ҳам алоҳида қайд этишни истардим.

Муҳтарам давлат раҳбарлари!

Имкониятдан фойдаланиб, қуйидаги масалаларга қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бугун Афғонистонда юзага келаётган вазият сурункали беқарорлик хусусияти ва янада кескин тус олиш тенденциясига эга. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, афғон муаммосини бартараф этишдан манфаатдор бўлган барча томонлар бир масалада якдилдир, яъни Афғонистонда ҳарбий йўл билан тинчликка эришиб бўлмайди.

Афғонистонда уруш йилларида тинч ҳаёт ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмаган бутун бир авлод вояга етди. Жорий йилнинг июнь ойида Афғонистонда ўтказилган президент сайлови шуни кўрсатдики, афғон халқи тўхтовсиз қон тўкиш ва зўравонликдан, кўп йиллик қашшоқлик, вайронагарчиликдан чарчади ва бугунги кунда мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишини, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлишни истайди.

Айни пайтда сайловчиларнинг овозини қайтадан санаш ва Афғонистон президентлигига сайлов натижаларини эълон қилиш ва давлатнинг янги раҳбарининг ўз вазифасини бажаришга расман киришиш жараёни чўзилаётгани мамлакатда келгусида барқарорликка эришиш борасида кучли хавотир уйғотмоқда.

Афғонистонда воқеаларнинг бу тарзда ривожланиши мамлакатда ички сиёсий вазиятни бутунлай издан чиқариши, миллий хавфсизликка ва қарама-қаршиликларни тинч йўл билан ҳал этиш истиқболларига реал хавф солиши, музокаралар жараёнида муросага эришиш, ўзаро курашаётган барча томонлар ва Афғонистондаги миллий-диний гуруҳлар вакилларидан ташкил топиши мумкин бўлган коалицион ҳукуматни шакллантиришга халақит бериши мумкин.

Хавфсизликка кўмаклашувчи халқаро кучларнинг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши таҳдидларнинг кучайиши ва беқарорликнинг ўсишига, террористик ва экстремистик фаолиятнинг кенгайишига ҳамда наркотрафик кўламининг нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки ундан узоқ бўлган ҳудудларда ҳам ортишига олиб келишини ўзимизга тасаввур қилишимиз керак.

Бундай вазиятда Афғонистонда юзага келадиган ҳар қандай бўшлиқни қисқа муддатда турли бузғунчи ва террористик гуруҳлар эгаллаб олиши мумкин.

Оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган бундай шароитда айрим сиёсий кучлар ва уларни қўллаб-қувватлайдиган давлатларнинг Афғонистонда тартибсизликни юзага келтириш ва вазиятни янада чигаллаштиришга уринишларини инкор этиб бўлмайди. **Қисқача айтганда, Ирокдаги бугунги вазият такрорланади.**

Ўзбекистон Афғонистон билан ўзининг барқарор ва дўстона муносабатларини ҳар икки мамлакатнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб ва фақат икки томонлама ҳамкорлик асосида ўрнатмоқда ва бундан кейин ҳам шундай йўл тутади. Афғон халқининг ўзи сайлайдиган ҳукуматни қўллаб-қувватлайди.

Дунё иқтисодиётида юзага келаётган аҳволни таҳлил қилар эканмиз, халқаро молиявий-иқтисодий инқирознинг жиддий оқибатлари ҳали тўлиқ бартараф этилмаган, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Ҳеч шубҳасиз, бундай тенденция ШҲТ фаолиятида иштирок этаётган барча мамлакатлардаги вазият ва улардаги ривожланиш суръатларига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади.

Бундай шароитда ташкилотга аъзо давлатларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш, аниқ амалий натижаларга эришиш учун иқтисодиёт, инвестициялар ва транспорт коммуникациялари соҳаларида минтақа мамлакатлари манфаатларига жавоб берадиган кенг кўламли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтириш вазифаси алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

Ушбу вазифани амалга оширишда Хитой Халқ Республикаси ва унинг Раиси Си Цзиньпин томонидан илгари сурилган «Буюк ипак йўли бўйлаб иқтисодий коридор» ташкил этиш борасидаги ташаббус муҳим ўрин тутади, деб ҳисоблаймиз. Мазкур коридор минтақадаги барча мамлакатларнинг узоқ муддатли иқтисодий, айниқса, трансминтақавий транспорт инфратузилмасини ривожлантириш соҳасидаги манфаатларини илгари суришга, нафақат ушбу лойиҳа иштирокчилари, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг геосиёсий ва иқтисодий салоҳиятини сезиларли равишда кучайтиришга кўмаклашади.

Украинадаги муаммони бартараф этиш бўйича ҳам ўз фикр-мулоҳазаларимизни қисқача баён этишни истардим.

Биринчи. Украинадаги муаммони тинч йўл билан ҳал этиш бўйича Минск шаҳрида эришилган келишувларни, Украина ва Россиянинг ушбу масала юзасидан билдирган таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз.

Иккинчи. Ишончим комилки, Ўзбекистон томонидан шу йилнинг 4 мартида Украинадаги қарама-қаршиликка барҳам бериш ва мамлакатда тинчлик ўрнатиш бўйича Украина ва Россия ўртасида **тўғридан-тўғри музокара жараёнини** ўтказиш юзага келган вазиятни ҳал этишнинг энг мақбул ва самарали йўли экани ҳақида билдирилган таклифлар долзарблигича қолмоқда ва бугун ҳам ўз тасдиғини топмоқда.

Учинчи. Украинадаги муаммо юзасидан ҳар қандай музокара жараёнларида Россиянинг тарихан кўп асрлар давомида шаклланган азалий манфаатлари ҳам эътиборга олиниши даркор.

Ушбу манфаатларни эътиборга олмаслик жиддий хато бўлган бўлур эди.

Фурсатдан фойдаланиб, Россия Федерацияси Президенти Владимир Владимирович Путинни ШҲТга навбатдаги муддатга раислик билан табриклаб, ушбу масъулиятли миссияни амалга оширишда муваффақият тилашга ижозат бергайсиз.

Эътиборингиз учун ташаккур.

ШҲТНИНГ ДУШАНБЕ САММИТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11-12 сентябрь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги саммитида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон пойтахтида 11 сентябрь куни ШҲТ саммити доирасида Эрон, Тожикистон ва Россия раҳбарлари билан икки томонлама муҳим музокаралар ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Душанбега ШҲТда кузатувчи мақомига эга бўлган давлат раҳбари сифатида ташриф буюрган Эрон Ислом Республикаси Президенти Ҳасан Руҳоний билан учрашди. Томонлар турли соҳалардаги ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини муҳокама қилиб, ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни изчил ривожлантириш, савдо-иқтисодий соҳада икки томон учун ҳам манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш зарурлигини қайд этдилар.

Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон билан учрашди. Давлат раҳбарлари икки томонлама ҳамкорлик ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан ҳам музокара ўтказди.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланмоқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил кенгаймоқда.

Ислом Каримов ва Владимир Путин мамлакатларимиз ўртасида мунтазам фикр алмашиш муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этдилар.

12 сентябрь куни ШҲТнинг навбатдаги саммити бўлиб ўтди.

ШҲТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлисида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Хитой Раиси Си Цзиньпин, Россия Президенти Владимир Путин, Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбаев иштирок этди. Кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқиш ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари, кузатувчи мақомига эга бўлган давлатлар, қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакиллари, шунингдек, фахрий меҳмонлар иштирокида ўтган кенгайтирилган мажлисда давом эттирилди.

Президент Ислом Каримов ўз нутқида бугун Афғонистонда юзага келаётган вазият, жаҳон иқтисодиётидаги ҳозирги аҳволга тўхталди, шунингдек, Украинадаги муаммони бартараф этишга доир ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

ШҲТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш, ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш истиқболлари ва умумий манфаатга эга бошқа масалалар муҳокама этилди.

Саммит якунида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарларининг Душанбе декларацияси, ШҲТга аъзо бўлиш истагини билдирган давлатларнинг мажбуриятларига тааллуқли қарор ва бошқа ҳужжатлар имзоланди. Шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ҳукуматлари ўртасида халқаро автомобилда юк ташиш бўйича қулай шароитлар яратиш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

ШҲТ Хартиясига мувофиқ, ташкилотга навбатдаги раислик Россия Федерациясига ўтди.

Б.ЭРГАШЕВ,
ЎзА махсус мухбири
Душанбе — Тошкент.

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАБЛАҒИ

мақсадли ва самарали сарфланиши лозим



МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

2014 йил 11 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди

Марказий сайлов комиссияси йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси шу йил 15 сентябрдан бошланишини эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисми ва «Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 1-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов 2014 йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбаси — 21 декабрда ўтказилади.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиниши муносабати билан мамлакатимиз ва хорижий журналистлар учун брифинг ўтказилди.

Брифингда Марказий сайлов комиссияси раиси Мирза-Улуғбек Абдусаломов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида» қабул қилинган қарор ҳақида маълумот берди ва ушбу қарорда кўзда тутилган асосий тадбирлар хусусида батафсил сўз юритди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар режаси ҳам эълон қилинди.

Брифингда сайлов кампанияси доирасидаги барча тадбирлар Марказий сайлов комиссияси ва сайлов комиссиялари томонидан сайлов қонунчилигининг асосий принцип ҳамда талаблари, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш дастурига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилиши алоҳида таъкидланди.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясини ўтказишнинг асосий ташкилотчиси ҳисобланади. Бирон-бир ташкилотнинг, аввалambор, марказ ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг сайлов жараёнига аралашишига, шунингдек, сайлов кампанияси иштирокчиларининг ҳеч қайсисига имтиёз ва преференциялар берилишига йўл қўйилмаслиги қайд этилди. Сайлов қонунчилигининг норма ва талаблари барча учун мажбурий ва бир хилдир. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайлов кампанияси жараёнига аралашиш ёки қонунчилик талабларини четлаб ўтиш, бузиш мақсадида қилинган ҳар қандай уринишнинг олди олинади ва қонунчиликка мувофиқ чора кўрилади.

► *Давоми 2-бетда.*

ЎЗХДП: ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

Партия ташкилотлари учун энг устувор вазифа

Сайловолди дастури ижроси ҳисобланади

Андижон вилоят партия ташкилоти конференцияси иштирокчиларининг фикри шундай бўлди.

— Музокарада қатнашиб, ўз фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман, — деди конференция бошланишидан олдин Шаҳрихон туманидаги 53-умумтаълим мактаби директори, Ўзбекистон Қаҳрамони, партия фаоли Камолиддин Ғопиров. — Партиямиз Сайловолди дастурида таълим тизими самарадорлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шу боис бу йўналишда вилоят партия ташкилоти томонидан амалга оширилган ишларни таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга.



ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Навоий вилоят бўлими томонидан «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш» ойлиги доирасида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда билдирилган фикр-мулоҳазалар билан газетамизнинг кейинги сонида танишасиз.



МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

2014 йил 11 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди

Брифинг иштирокчилари сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги янгиликлар билан таништирилди. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида 2011, 2012 ва 2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ва сайлов ҳақидаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар сайлов жараёнини янада демократлаштириш, сайлов кампаниясини умумэътироф этилган демократик принциплар ва қонунчилик талабларига тўла мувофиқ равишда ўтказиш бўйича ҳуқуқий кафолатларни кучайтиришда муҳим омил бўлганлиги таъкидланди.

Чунончи, сайлов қонунчилигига сайловолди ташвиқотининг шакл ва усулларини аниқ белгилаш, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларни тенг шароитлар билан таъминлаш механизмлари самарадорлигини оширишга қаратилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Сайлов давомида ошкораликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилди.

Фаолиятининг асосий принципларини мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлилик ташкил қиладиган Марказий сайлов комиссияси мақомининг конституциявий мустаҳкамланганлиги сайловларнинг демократиклиги, очиқ ва ошкоралигини ҳар томонлама таъминлашнинг муҳим кафолатига айланди.

Тадбир қатнашчилари бўлажак сайловларни ўтказиш бўйича тайёргарлик даврида амалга оширилаётган ишлар билан ҳам таништирилди. Журналистларга сайловчиларга сайлов қонунчилигининг асосий қоидаларини тушунтириш ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида ҳам сўзлаб берилди. Шу мақсадда оммавий ахборот воситаларида олимлар, экспертлар ва мутахассисларнинг чиқишлари ташкил этилди, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида давра суҳбатлари ва илмий-амалий семинарлар ўтказилди.

Жорий йилнинг май-сентябрь ойларида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Марказий сайлов комиссияси томонидан демократик сайловларни ўтказишнинг халқаро стандартлари, миллий сайлов қонунчилигини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари, сайлов кампаниясининг барча босқичларида қонунийлик тамойилига амал қилган ҳолда сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга бағишланган халқаро тадбирлар ўтказилгани ҳақида ҳам маълумот берилди. Уларда Бутунжаҳон сайлов органлари уюшмаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси, Миллий демократия институти (АҚШ) экспертлари, АҚШ, Франция, Испания, Италия, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Туркия ва бошқа давлатлардан олимлар ва мутахассислар иштирок этди. Хорижлик иштирокчилар Ўзбекистон сайлов қонунчилиги умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий нормалар ва демократик стандартларга тўла мос келишини таъкидлади.

Брифингда бугунги кунда Ўзбекистонда эркин, адолатли ва демократик сайловларни очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик руҳида ўтказиш учун барча зарур ҳуқуқий асослар мавжудлиги қайд этилди.

ЎзА

◄ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

— Сиёсий партиялар ўз электорати манфаатини ҳимоя қилиш учун қонун билан тақиқланмаган турли йўллардан фойдаланади. Ўзбекистон Халқ демократик партиясида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари бу борада самарали восита ҳисобланади. Бу тузилма зиммасига аҳоли орасида учраётган ижтимоий муаммоларни ўрганиш, ҳал этилишига кўмаклашиш, саволларга ҳуқуқий маслаҳат бериш ҳамда электорат манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига партия ташкилотлари эътиборини кучайтириш вазифалари қўйилган.

Электорат ишончини қозонишнинг мустаҳкам воситаси



Асқар БЕГИМОВ,
ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши масъул ходими:

Мурожаатларда кўтарилган масалаларни ўрганиш ва ҳамкор ташкилотлар кўмагида ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ЎзХДПдан сайланган депутатлар фаол иштирок этмоқда. Аксарият Жамоатчилик қабулхоналари ҳузурида ҳуқуқий маслаҳатхоналар ташкил этилгани фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларни ўйлантирган масалалар бўйича малакали жавоб берилишига хизмат қилмоқда.

Масалан, ЎзХДП Тошкент шаҳар, туманлар ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгашлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналарига жорий йилнинг биринчи ярмида 219 мурожаат тушган бўлиб, уларнинг 128 таси ҳамкор ташкилотлар ва депутатлар кўмагида ижобий ҳал этилди. Қолганларига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Таҳлиллар кўрсатишича, электорат вакиллари кўпроқ коммунал соҳа, иш билан таъминлаш, нафақа ва пенсияларнинг ўз вақтида берилиши каби масалалар бўйича мурожаат қилишган. Шунингдек, айрим ҳудудларда оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш, таълим, имтиёзли кредит олиш ва бошқа масалаларда мурожаат бўлган.

Фракция фаолияти

Давлат бюджети — мамлакатнинг энг муҳим молиявий ҳужжати. Унда ҳар бир фуқаронинг ҳиссаси бор. Бюджет даромадлари тўлиқ шаклланиши, харажатлари тўғри йўналтирилиши аҳолининг турмуш фаровонлиги ортиб боришида муҳим ўрин тутади.

Давлат бюджети маблағи

мақсадли ва самарали сарфланиши лозим

Шунинг учун ҳар бир давлат бюджет ва унинг ижросига жиддий эътибор қаратади. Мамлакатимизда ҳам мустақиллик йилларида давлат бюджетининг ҳар томонлама барқарорлиги таъминланди.

Жаҳонда ҳали-бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз кўплаб мамлакатларда бюджет тақчиллигини келтириб чиқарди. Оқибатда иш ўринлари барқарорлигига, одамларнинг кундалик турмушига путур етмоқда. Юртимизда бу борада ноҳуш ҳолатлар юзага келишига йўл қўйилмади. Шунга қарамай, бюджет ижросини таъминлаш бўйича ижро маданияти ва масъулиятини ошириш ҳар доим долзарб вазифа бўлиб қолаверади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси давлатимиз Бюджетининг жорий йил 6 ойлик ижросини кўриб чиқаётганда шу масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Депутатлар, вазирлик ва идоралар вакиллари, партия экспертлари иштирок этган мазкур йиғилишда давлат Бюджетининг дастлабки олти ойлик ижроси билан боғлиқ рақам ва кўрсаткичлар атрофлича таҳлил қилинди.

Йиғилишда, аввало, 2014 йилнинг 6 ойи давомида макроиқтисодий барқарорлик ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришилгани алоҳида таъкидланди. Таҳлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсиш суръатлари 8,1 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8,1 фоизни, қишлоқ хўжалиги 6,9 фоизни ҳамда қурилиш ишларида 17,4 фоизни ташкил этди.

Фракция аъзоларининг қайд этишича, биринчи ярим йилликдаги Давлат бюджети ижросида аҳолининг фаровонлиги ва турмуш даражасини оширишга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Улуғбек ЗОКИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Давлат бюджети ижросини таъминлашда асосий эътибор ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга, яъни таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бюджетдан маблағ олувчиларнинг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар ҳамда бошқа биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштиришга, Давлат бюджетининг ғазна ижросини ва самарадорлигини таъминлашга қаратилган. Аҳамиятли жиҳати, йилдан-йилга Давлат бюджетида ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағларнинг улуши ошиб бормоқда. Бу, шубҳасиз, мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилади.



Фракция аъзоларининг қайд этишича, биринчи ярим йилликда Давлат бюджети ижросида аҳолининг фаровонлиги ва турмуш даражасини оширишга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Фракция аъзолари Давлат бюджетининг ижросида амалга оширилаётган ишлар мамлакатимизда инсон омили ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига қаратилаётган эътиборнинг амалдаги яна бир намунаси эканлигини қайд этиб ўтишди. Энг муҳими, бу борадаги ислоҳотлар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадларига ҳамоҳанг бўлиб, партия электорати манфаатларини ҳимоя қилади. Масалан, ҳисобот даврида иқтисодиёт тармоқларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш мақсадида **290 миллиард сўмдан** зиёд инвестициялар жалб этилди. Тегишли дастурларга киритилган корхоналарни қайта тиклаш учун жорий йилнинг биринчи ярмида қиймати **1,1 триллион сўмлик** инвестициялар йўналтирилди. Бу республикамизда бандлик масалаларини самарали ҳал қилишда долзарб ўрин тутди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республика бўйича **506 мингдан** ортиқ янги иш ўрни ташкил этилган бўлиб, улардан **303 мингдан ортиғи, яъни қарийб 60 фоизи** қишлоқ жойларида яратилди.

Атрофлича таҳлил ҳамда савол-жавоблардан кейин ЎзХДП фракцияси аъзоларининг муносабати, фикр-мулоҳазалари, таклифлари тингланди.

Мастура САЙФУТДИНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Шуни ҳам айтиш керакки, ҳисобот даврида айрим бюджет муассасаларида маблағларнинг мақсадсиз сарфланишига, уларнинг ноқонуний ишлатилиши билан боғлиқ молиявий ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилаётганлиги, айрим тармоқларда эса тўлов интизомига риоя этилмаётганлиги оқибатида дебиторлик ва кредиторлик, айниқса, бюджет олдидаги боқиманда қарздорликларнинг ўсиши кузатилмоқда.

Халқ демократик партияси фракцияси бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг самарали ва мақсадли сарфланишини таъминлашга мутасадди вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар масъулиятини янада ошириш лозим, деб ҳисоблайди. Бунда бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларда молиявий интизомга риоя этилиши, «Бюджет тизими тўғрисида»ги, «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги қонун талабларининг бажарилиши юзасидан назоратни янада кучайтириш керак, деб ўйлаймиз.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ

Янги уйларда яшаш қувончи

Навоий вилояти Нурота туманида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган замонавий ва кўркам уйлардан 25 таси ўз эгаларига топширилди.

Истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб Президентимиз ташаббуси билан аҳоли турар-жойларини замонавий қиёфага келтириш, инфратузилма объектлари барпо этиш ҳамда равон ва текис йўллар қуриш, тоза ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган бундай ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини янада юксалтиришдир.

— Истиқлол сабаб ўзлигимизни англадик, бизга эркин яшаш бахти насиб этди, — дейди меҳнат фахрийси Нурулло Облаев. — Бугун фарзандим янги уйга кўчиб ўтганидан барчамиз бирдек хурсандмиз. Қулайликларни кўриб ҳавасимиз келяпти. Болалар учун алоҳида хона, меҳмонхона, ювиниш ва дам олиш хоналари дейсизми, ҳаммаҳаммаси мужассам. Айниқса, бу уйлар пухта режа ва ўзбекона урф-одатларга мос ҳолда қурилганлиги ниҳоятда қувонарли. Шаҳар шароитидан асло қолишмайдиган бундай уйларда набираларим соғлом ва баркамол вояга етишига ишонаман.

Жорий йил якунигача вилоятда жами 677 та ана шундай уй қурилиши якунланади.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФА

Сайловолди дастури ижроси ҳисобланади

— Дарҳақиқат, конференцияда Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижроси таҳлилига жиддий эътибор қаратишимиз зарур, — дейди **ЎзХДП Бўз туман кенгаши раиси Матлубахон Тўйчиева.** — Чунки аҳоли ишончини қозониш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда мазкур дастур ижроси ҳал қилувчи ўрин тутади.

Конференция олдидан иштирокчиларнинг ўзаро фикр алмашгани музокараларнинг қизғин ўтишига туртки берди. Анжуманда партия Сайловолди дастури бўйича амалга оширилган ишлар ҳисоботи тингланди, муҳокама этилди. Муваффақиятлар қаторида, айрим камчиликларга эътибор қаратилди, навбатдаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

— Мамлакатимизни модернизация қилиш ва жамиятни демократлаштириш жараёнлари чуқурлашган сари ҳаётимизда сиёсий партияларнинг роли тобора ортиб бормоқда, — деди **ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши раиси Абдулҳамид Нурматов**. — Буни партиямиз ташкилотлари фаолияти мисолида ҳам кўраяпмиз. Ҳисобот даврида вилоят кенгаши томонидан 11 марта пленум ўтказилган бўлиб, уларда Сайловолди дастури ижросига қаратилган 45 дан ортиқ масала кўриб чиқилди. Шунингдек, 56 марта Ижроия қўмита йиғилишлари бўлиб, уларда ташкилий, ички партиявий, мафкуравий, молиявий-иқтисодий ва хўжалик фаолиятга оид 528 масала муҳокама этилди. Ўтган давр мобайнида вилоятда партия аъзоларининг сони сезиларли даражада ортиб, жорий йилнинг шу даврида 26406 нафарга етди, бошланғич ташкилотлар сони эса 800 дан ошди.



ЎзХДП Андижон вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналари электорат муаммоларини ўрганиш, уларга ечим топишда ҳақиқий маънода муҳим воситага айланди. Жумладан, ўтган беш йил давомида Жамоатчилик қабулхоналарига қарийб 2021 мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 75 фоизи ижобий ҳал қилинган. Мисол учун, Бўз туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига Озодахон Муҳаммаджонова ва Одинахон Қорахўжаева бандлик масаласида кўмак сўраб мурожаат этишган. Бугунги кунда ҳар иккаласи ҳам «Ҳунармандлар» уюшмасига аъзо бўлиб, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Избоскан туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига 7 нафар коллеж битирувчиси ўз мустақил ишини йўлга қўйишда ҳуқуқий маслаҳат сўраб мурожаат қилди. Уларга бизнес-режа тузиш тартиблари, кредит олиш шартлари тушунтирилди. Шундан сўнг уларнинг бизнес-режалари «Миллий банк» туман бўлимига тақдим этилди.

— Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари муҳим ўрин тутади, — дейди **халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Абдумутал Абдуллаев.** — Айнан мазкур масала юзасидан партия гуруҳимиз томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларига 193 депутатлик сўрови юборилди. Депутатлик сўровлари натижалари доимий равишда мониторинг қилиб борилмоқда.

Шунингдек, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашишига кўмаклашиш, кўп қаватли турар-жой биноларининг марказлаштирилган иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминлаш тизимини яхшилаш, ёлғиз кексалар, пенсионер ҳамда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш, шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш ҳамда утилизация қилиш ҳисобига ҳудудларни ободонлаштириш ва инфратузилмасини яхшилаш каби масалалар мунтазам равишда партия гуруҳлари, доимий комиссиялар йиғилишлари ва сессияларда атрофлича муҳокама қилиб борилмоқда. Хусусан, ҳисобот даврида партия гуруҳимиз ташаббуси билан халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги доимий комиссияларда 32, сессияларда эса 19 масала кўриб чиқилди.

ЎзХДП Сайловолди дастурида аҳолининг реал даромадлари ортишини кафолатлайдиган барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва қўшимча равишда янги, юқори ҳақ тўланадиган иш ўринлари ташкил этиш белгиланган. Ўтган йиллар давомида буни амалга ошириш мақсадида Андижон шаҳри, Асака, Қўрғонтепа туманларида тижорат банклари билан ҳамкорликда иқтисодий форумлар ўтказилди. Уларда 1350 дан ортиқ иштирокчи қатнашди. Шундан 73 нафар электорат вакилларига бошланғич капитални шакллантириш ҳамда касаначилик ва оилавий тадбиркорликни бошлаш мақсадида имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар берилди. Мазкур сертификатларга эга бўлганлардан 56 нафари бугунги кунда ўз фаолиятини бошлади. Натижада ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари янада ривожланиб, 659 нафар киши ишли бўлди.

Шунингдек, конференцияда «Фаол аёллар» ҳамда «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятини янада кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳаза, таклифлар билдирилди. Электорат манфаатига бевосита дахлдор бўлган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий масалалар бўйича партия позициясини кенг тарғиб қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда партия дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш масалалари юзасидан келгуси вазифалар белгилаб олинди.

Ижтимоий-иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ижро механизмини кучайтириш бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Партия фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар ЎзХДПнинг янги Сайловолди дастури лойиҳасини кўриб чиқдилар. Конференцияда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Рустам Комилов қатнашиб, кун тартибидаги долзарб масалалар хусусида фикр билдирди.

Ташкилий пленумда **ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши раиси этиб Абдулҳамид Нурматов** қайта сайланди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

◄ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

O`ZBEKISTON OVOZI
2014-yil, 13-sentabr.
Shanba • 111 (31.858)-son
www.uzbekistonovozi.uz

ЯНГИ ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Сайлов жараёнига аралашиш мумкин эмас



Шуҳрат ТУРСУНБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Жорий йил 28-29 август кунлари Олий Мажлис Сенати маъқуллаган қонунлардан бири «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиб, 5 сентябрдан кучга кирди.

Мазкур Қонун орқали бир қатор қонун ҳужжатлари, хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳамда «Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Уларга кўра, сайлов қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чоралари белгиланиб, Марказий сайлов комиссияси фаолиятига муҳим янгиликлар жорий қилинди.

Аввало, мазкур масалалар яқинда Конституциямизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан узвий боғлиқ эканини таъкидлаш лозим.

Хўш, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг асосий хусусиятлари нимада?

Ушбу кодексга сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик ҳақида алоҳида боб киритилди.

Эндиликда номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини, сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш каби ҳаракатлар маъмурий жавобгарликка олиб келади.

Шунингдек, сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилиш (ёки бошқа усуллар орқали тарқатиш) билан боғлиқ ҳаракатлар содир этилса, маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Кодексда сайлов қонунчилиги ва тартиб-қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича фуқароларга алоҳида, мансабдор шахсларга алоҳида жавобгарлик белгиланган. Чунки мансабдор шахснинг масъулияти катта, унинг жавобгарлик даражаси ҳам шунга яраша юқори бўлиши табиий.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашишга, уларнинг қарорларини ижро этмасликка йўл қўйилмайди. Акс ҳолда, бундай ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик тадбирлари қўлланилади.

Шу ўринда «Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Уларнинг умумий хусусияти сайлов жараёнлари адолатли ўтишини таъминлаш ҳамда барча сиёсий партияларга тенг шароит яратишга қаратилган, дейиш мумкин.

Сайловлар демократик тамойиллар асосида очиқ ва ҳалол ўтишида ташкилий-ҳуқуқий жараёнлар муҳим ўрин тутади. **Кези келганда айтиш керак, қатор мамлакатлар, ҳаттоки айрим ривожланган давлатлар амалиётида сайловларни ким, қайси ташкилот ўтказиши керак, унинг ваколат доиралари қандай мезонлар билан белгиланмоғи лозим, деган масалаларга аниқ жавоб топиш қийин.** Баъзи давлатларда сайловларни идоравий ва назорат органлари ўтказиши бу фикрга мисол бўла олади.

Мамлакатимизда сайловларни ўтказиш халқаро ҳуқуқ меъёрларида белгиланган каби алоҳида орган — Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклатилган. Шундан келиб чиқиб, қонунчиликда унинг фаолияти мустақиллиги кафолатлари янада мустаҳкамланди.

> Кодексда сайлов қонунчилиги ва тартиб-қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича фуқароларга алоҳида, мансабдор шахсларга алоҳида жавобгарлик белгиланган.

Қонунга мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси ва унинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга оширади. Марказий сайлов комиссияси аъзолари қарор қабул қилишда сиёсий мойиллик ва бошқа ёт таъсирлардан холи бўлган ўз нуқтаи назарини билдиради.

Сайлов жараёнлари оммавий ахборот воситалари учун очиқ бўлмаган жойда холис сайлов бўлиши мумкин эмас. Қонунни такомиллаштириш пайтида бу масалага алоҳида эътибор берилган. Унга асосан Марказий сайлов комиссиясининг мажлислари очиқ равишда, сиёсий партиялар вакиллари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирокида ўтказилиши керак.

Марказий сайлов комиссияси раиси ва унинг ўринбосарларининг гувоҳномалари Ўзбекистон Республикаси Президенти, аъзоларининг гувоҳномалари эса Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери билан келишилган ҳолда, Сенат Раиси томонидан имзоланиши белгилаб қўйилди. Бу ҳам Марказий сайлов комиссиясининг мақоми ва мустақиллиги таъминланишида муҳим аҳамият касб этади.

Қонунчилигимиздаги бу ўзгариш ва қўшимчалардан фуқаролар қанчалик кенг хабардор бўлса, мамлакатимизда сайловлар шунчалик уюшқоқлик, фаоллик ва ҳалоллик билан ўтади. Айни шу кунларда қонунчиликдаги ўзгартиш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятига бағишлаб изчил тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий муҳофаза

Корхонанинг хайрли ташаббуси

Денов туманидаги «Сурхонозиқовқатсаноат» ҳиссадорлик жамияти ҳовлиси эрталабдан одамлар билан гавжум бўлди. Атроф саранжом-саришта, байрамона безатилган. Карнай-сурнай, куй-қўшиқ янграган...

Бу тантананинг асосий меҳмонлари — боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари...

Жамият ташаббуси билан ўн бир нафар боланинг тўйи ўтказилди, бир гуруҳ ўқувчига моддий ёрдам кўрсатилди.

— Ёрдамга эҳтиёжманд оилаларни озгина бўлса-да қўллаб-қувватлаганимиздан хурсандмиз, — дейди жамият раиси ўринбосари, ЎзХДП аъзоси Ихтиёр Тожибоев. — «Соғлом бола йили»да бу каби тадбирларни мунтазам ўтказиб келяпмиз.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилаётганини алоҳида эътироф этишди. Ўзига хос шодиёнага Сурхондарё вилоят кўғирчоқ театри жамоасининг ташрифи янада шукуҳ бағишлади. Санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар меҳмонларга кўтаринки кайфият бахш этди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Янги бино

фойдаланишга топширилди

ДЕҲҚОНОБОДда туман давлат солиқ инспекциясининг маъмурий биноси фойдаланишга топширилди.

Янги бинода ҳам солиқ инспекцияси ходимлари, ҳам мижозлар учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Замонавий кўринишдаги мазкур иншоотнинг қурилишига 1 миллиард 96 миллион сўм маблағ сарфланди. Бунёдкорлик ишлари тумандаги «Пайвандлаш» хусусий корхонаси қурувчилари томонидан амалга оширилди.

Абдуқаюм БЕККАМОВ,
Қашқадарё вилояти.

Дунё

Чойнинг фойдали хусусияти

20 дақиқадан кейин кучаяди

Чой ичмаган кунимиз йўқ ҳисоби. Инсониятнинг неча минг йиллик тарихи унинг фойдалилик хусусиятлари нечоғли зиёда эканлигини тасдиқлайди. Аммо шундай бўлса-да, бугунги кун олимлари буни яна бир бор илмий ўргандилар.

Россиянинг «Интерлаб» компанияси тадқиқотлар ва ишлаб чиқариш бўлими раҳбари, кимё фанлари доктори, профессор Яков Яшиннинг «Аргументы и факты» ҳафталигига берган интервьюсида баён қилишича, қора чойни янги дамланган пайтда ичган маъқул. Хитойликлар унинг анча вақт ичилмай туриб қолганини бежиз илон заҳрига менгзашмайди.

Кейинги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ундаги антиоксидантларнинг фаоллиги чой дамлангандан кейин 1-2 дақиқа ўтиб эмас, балки 20 дақиқадан кейин янада ошиб, фойдалилик хусусиятини кенг намоён этаркан. Айнан шу пайтда ундаги антиоксидантлар миқдори максимал даражага етади, кейин эса камайиб боради.

Кўк чойда эса бундай эмас. Бир неча соатдан кейин ҳам уни истеъмол қилиш мумкин.

Ҳамма гап чой таркибидаги антиоксидантларда, улар юрак учун фойдали бўлиб, айнан чойнинг қаҳвага нисбатан фойдалилик хусусиятини намоён этади, дейилади бошқа тадқиқот муаллифи, Париждаги касалликларнинг олдини олиш тиббий маркази профессори Николас Данчиннинг «Daily Mail» нашрига берган интервьюсида.

Н. Данчин 2001 йилдан 2008 йилгача мазкур тиббий марказда даволанган 18 ёшдан 95 ёшгача бўлган 131 минг 401 нафар бемор касаллик ташхисини ўрганиб, таҳлил қилиб ва кузатиб шундай хулосага келди.

7 йиллик кузатув даврида 95 нафар бемор юрак хасталигидан, 632 нафар бемор эса бошқа турли касалликлар боис ҳаётдан кўз юмган бўлса, қаҳвадан кўра чойни афзал билганлар орасида ўлим 45 фоиз кам юз бергани маълум бўлди. Бундан ташқари, жисмоний фаоллик чойни хуш кўрадиган беморлар орасида қаҳвага ружу қўйганларга қараганда 41 фоиз ортиқлиги тасдиқланди.

Маълумки, чой артериал қон босимини пасайтириш хусусиятига эга. Кузатувда қизиқ ҳолатга гувоҳ бўлиндики, қаҳвани эркаклар кўпроқ истеъмол қиларкан, аёллар эса чойни хуш кўриши қайд этилди.

Тўп зарби

болалар учун хавфли

Бирмингем университетининг невролог-шифокори Майкл Грей футбол мураббийлари ва ота-оналарни огоҳлантирдики, футбол клубларида таҳсил олаётган болалар футбол машғулотлари пайтида ҳаволатиб тепилган тўп зарбини бош билан қабул қилмасликлари лозим. Негаки, уларнинг бўйинлари ва бош суяклари тўп зарбини асоратсиз қабул қилиш учун мустаҳкам таянчга эга эмас.



Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, дея хабар беради «Мир новостей» ҳафталиги, ҳатто профессионал футболчиларда ҳам бош билан қабул қилинган тўп зарбидан сўнг бош оғриқлари кузатилгани кўп бор қайд этилган. Шу боис Грей футбол мактабларида болаларнинг тўпни бош билан ўйнаш қоидасини тақиқлаш лозимлиги уқтирилмоқда. Ўрнига бошқа вариантларни ўйлаб топиш ва амалиётга жорий этиш жоиз. АҚШнинг айрим футбол мактабларида ҳаволатиб тепилган тўпни бош билан қабул қилиш амалда тақиқланган. Бироқ футбол федерациялари тиббиётчилар тавсиясини жиддий қабул қилмаяптилар. Британия парламенти эса мамлакат футбол федерациясини тўп зарбидан юзага келган бош оғриқлар бўйича тиббий текширувлар ўтказиш ва унинг натижалари бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқишга чақирмоқда.

ЎзХДПда «ЁШ СИЁСАТЧИ — 2014»

Тажриба ортди, ишонч мустаҳкамланди



Шохрух АБДУРАҲМОНОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси:

— Танлов еттинчи бор ўтказилди. Бошланғич партия ташкилотларидан тортиб, республика даражасигача **«Мен Ватаним равнақига ҳисса қўшишни хоҳлайман!»** шиори остида ўтказилган бу йилги кўрик-танловнинг шаҳар, туман ва вилоят босқичларида 18 дан 30 ёшгача бўлган 14 625 нафар йигит-қиз қатнашди.

Иштирокчилар танловда ўз шаҳри, тумани, вилоятини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳамда ЎзХДП дастурий мақсадларига мос йўналишлар бўйича ўз лойиҳаларини тақдим этишди.

Бунда уларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари билан фаол ҳамкорлиги, ижтимоий шерикликнинг самарадорлиги масалалари ҳисобга олинди.

Энг муҳими, «Ёш сиёсатчи — 2014» танлови финал босқичининг **уч кунлик дастури давомида** ёшлар тажриба алмашди, ўзларига бўлган ишонч мустаҳкамланади.



Камол ЖУМАНИЁЗОВ,
«Истиқбол» ёшлар қаноти Хоразм вилоят бўлими етакчиси:

— Танлов бизнинг вилоятда ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Кўплаб ёшларда партияга, унинг дастурий мақсадларига қизиқиш уйғонди. Йигит-қизларни мамлакат тараққиёти, юрт тинчлиги йўлида янада жипслаштирди. Шунингдек, танлов иштирокчиларидан иборат «Ёш тарғиботчилар» гуруҳи шакллантирилди. Демак, партия дастурий ғоялари, мақсадларини ёшлар орасида кенг тарғиб қилишда танловнинг аҳамияти катта. Чунки нафақат иштирокчилар, балки уларни қўллаб-қувватлашга келган ёшлар танлов бошланишидан аввал, Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишлари билан танишишди. Улар вилоятларга қайтгач, ўз таассуротларини тенгдошларига гапириб беришади, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар, янгиланишлар ҳақида фикрлашади.

Бу ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларда фуқаролик позициясини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА
тайёрлади.

Бандлик

«Ўзсаноатқурилишбанки» биносида Республика Марказий банки томонидан «Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда банк тизимининг устувор вазифаси» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тижорат банкларининг мутасаддилари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг масъул ходимлари иштирок этди.



Ёшларнинг молиявий қўллаб-қувватланиши

улар ҳаётда ўз ўринларини топишида муҳим омил бўлмоқда

— Бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб келинмоқда. Хусусан, Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ёшлар бандлигини таъминлаш ҳамда уларнинг реал даромадлари кўпайиши ва турмуш фаровонлигини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда, — дейди **Республика Марказий банкининг Тижорат банклари инвестиция портфелини мониторинг қилиш департаментининг бошқарма бошлиғи ўринбосари Адҳам Ражабов.** — Шунингдек, тижорат банклари ўзларининг иқтисодий-ижтимоий вазифаларидан келиб чиқиб, ушбу давлат сиёсатини амалга оширишда, ёшларнинг бизнес ғояларини рўёбга чиқаришда яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Қолаверса, мазкур давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида белгиланган чора-тадбирлар доирасида Марказий банк, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Касб-ҳунар таълим маркази ва маҳаллий ҳокимиятлар билан биргаликда тижорат банклари томонидан ёш тадбиркорларни ҳамда ёш оилаларни қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш кўзда тутилган лойиҳаларини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тижорат банклари томонидан 16904 ёш оилаларга жами 303,8 миллиард сўм миқдорида шундан, 50,4 миллиард сўм истеъмол, 98,5 миллиард микрокредитлар, 155,0 миллиард сўм эса имтиёзли ипотека кредитлари ажратилган.

Шунингдек, тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун 124,2 миллиард сўм, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баравар кўп миқдорда кредитлар ажратилди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу тижорат банклари томонидан коллеж битирувчиси микрокредит олиши учун таъминоти етарли бўлмаган тақдирда, яқин қариндошларининг (ота-она, ака-ука, опасингил) иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиш орқали кафиллик бериш амалиёти жорий этилгани ўз самарасини бермоқда. Шунингдек, республика тижорат банклари томонидан жорий йилнинг январь-август ойларида 8882 нафар талабага жами 26,5 миллиард сўм таълим кредитлари ажратилган. Қолаверса, жорий йил давомида ушбу таълим кредити ҳажмларини ўтган йилга нисбатан ошириш режалаштирилган.

Бундан ташқари, ёшларни замонавий турар-жой билан таъминлаш мақсадида тижорат банклари томонидан «Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорликда республикамизнинг барча ҳудудларида, яъни ҳар бир вилоятнинг учтадан туманида 4 қаватли ўрта ҳисобда 48 хонадонли кўп қаватли 50 та «Камолот» уйларини қуриш ишлари жадал равишда олиб борилмоқда. Мазкур турар-жойлар учун тижорат банклари томонидан лойиҳа смета ҳужжатларига асосан, 103,4 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилиб, ушбу уйларнинг аксариятини жорий йилнинг охирига қадар қуриб битказиш кўзда тутилган.

Жумладан, яна шуни айтиб ўтиш лозимки, банкларнинг янги иш ўринлари яратишга бўлган эътибори фақат касб-ҳунар таълим муассасалари битирувчилари лойиҳаларини молиялаштириш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Улар томонидан жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга 8,5 триллион сўм миқдорида, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун эса 8 триллион сўмдан ортиқ инвестицион кредитлар ажратилиши белгиланган. Бу маблағлар эвазига қўшимча иш ўринлари ташкил этишга шароит яратилади.

Шунингдек, банклар ёшлар бандлигини таъминлашда оилавий тадбиркорлик ва касаначиликнинг ривожланишига ҳам катта эътибор беришмоқда. Бу борада Хотин-қизлар қўмитаси, «Ҳунарманд» уюшмаси билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи куч, — мулкдорлар сафининг кенгайиши, бозорни истеъмол товарлари ва турли хизматлар билан бойитиш, ёшларни иш билан таъминлаш ва уларнинг даромадларини оширишга хизмат қилмоқда.

Тадбир сўнггида банклар мутасаддилари ва мутахассисларининг мавзу юзасидан журналистлар томонидан берилган саволларга жавоб берилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

2014 йил — Соғлом бола йили



Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 31-мактабгача таълим муассасасида 110 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олмоқда.

— Бу ерда болаларнинг вақти сермазмун ўтиши учун бир қатор тўгараклар фаолият кўрсатмоқда, — дейди **31-МТМ мудири вазифасини вақтинча бажарувчи Наргиза Жўраева**. — Бадиий гимнастика, тасвирий санъат, рақс каби тўгараклар ишламоқда. Шу билан бирга фарзандларимизнинг инглиз тилини ўрганишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Дарслар турли ўйинлар, кўргазмали қуроллар ёрдамида ўтилмоқда.

Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

Ўсмирларимиз — чорак финалда!

ФУТБОЛ

Шу кунларда Бангкок (Таиланд)да футбол бўйича ўсмирлар (U-16) ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати қизғин давом этмоқда. Мусобақанинг барча гуруҳ учрашувлари поёнига етди.

«С» гуруҳида тўп сурган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси охирги турда қувайтлик тенгқурлари билан куч синашди. Александр Мочинов бош мураббийлигида майдонга тушган ўсмирларимиз рақибларидан 4:2 ҳисобида устун келди. Голларни ҳамюртларимиздан Савелий Абрамов, Жонибек Кўчимов, Суҳроб Нуруллоев ҳамда Худойберди Холиқовлар киритди. Мазкур ғалаба вакилларимизга ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллашини таъминлаб берди.

Гуруҳдаги иккинчи ўйинда КҲДР ўсмирлари непалликларни йирик 4:1 ҳисобида енгди.

Қуръага кўра, ўсмирларимиз чорак финалда суриялик футболчиларга қарши майдонга чиқади. Учрашув 14 сентябрь куни ўтказилади.

Чорак финалнинг қолган жуфтликларида қуйидаги жамоалар ўзаро баҳс юритади:

Жанубий Корея — Япония,
Австралия — Малайзия,
Эрон — КҲДР.

Эслатиб ўтамиз, мусобақа низомига кўра, Осиё чемпионатининг барча ярим финалчилари келаси йили Чилида ўсмирлар ўртасида бўладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Дўрмон»да байрам

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг «Дўрмон» ижод боғида Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида байрам тадбири ўтказилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида ижод аҳли жамиятнинг олдинги сафларида юрадиган, ҳаётни кузатиб, одамларнинг юрагида, дунёқарашида бўлаётган ўзгаришларни ҳаммадан аввал сезиб, уларни таъсирчан образлар, ёрқин бадиий бўёқлар орқали маҳорат билан ёритиб бера оладиган, эл-юрт учун куйиниб яшайдиган фидойи инсонлар сифатида ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидлади.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг барча соҳалари қатори халқ маънавиятининг кўзгуси бўлмиш бадиий ижод, хусусан, бадиий адабиёт ривожи ҳам давлатимиз, жамиятимизнинг доимий эътиборида. Мустабид тузум даврида номлари, асарлари тақиқлаб қўйилган ёзувчи ва шоирларимизнинг хотираси эъзозланиб, адабий мероси қайта тиклангани, таваллуд саналари кенг нишонланиб келаётгани, нашриёт ва босмахоналар, газета ва журналларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, нашр ишлари замонавий талаблар асосида йўлга қўйилаётгани, адабиёт аҳлини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишлар бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Тадбирда Президентимизнинг шу йил 22 августдаги фармонига биноан Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган бир гуруҳ ижодкорлар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан бадиий-публицистик мақолалар, очерклар, насрий ва шеърий йўналишдаги энг яхши асарлар учун эълон қилинган «Ватан учун яшайлик!» республика танлови ғолиблари эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ижодкорлар томонидан ўқилган шеърлар, санъаткорларнинг куй-қўшиқлари барчага хушнудлик бағишлади.

Д.КАРИМОВ,
ЎзА мухбири.

Паралимпиячиларимиз шарафланди

ПАРАЛИМПИЯ

АҚШнинг Колорадо-Спрингс шаҳрида дзюдо бўйича паралимпиячилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида спортчиларимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, 1 олтин, 3 кумуш ва 4 бронза медалини қўлга киритди.

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида нуфузли мусобақа ғолиб ва совриндорларини шарафлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Дунёнинг 80 дан ортиқ давлатидан 500 нафардан зиёд спортчи совринли ўринлар ҳамда 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XV ёзги Паралимпия ўйинларига йўлланма берувчи рейтинг очколари учун беллашган мазкур жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган 15 нафар дзюдочимизнинг 8 нафари ғолиб ва совриндор бўлгани бунинг яққол тасдиғидир.

Тадбирда мусобақа ғолиб ва совриндорларига совғалар топширилди.

Б.АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.

Ҳайрат, муболағa, кулгу манзаралари

Изланишда

Тунов куни устахонада лойдан ясалган бир ҳайкалчага кўзим тушди. Қорни катта, мўйлови қалин, оғзи кулгидан ланг очилган, қўлидаги саватини турли меваларга тўлдириб олган отахон тасвири. Негадир ҳамма унга ним табассум қилар, ҳайкалча ўтган-кетганга хуш кайфият бағишлаётган эди.

Буни ким ясаганлиги билан қизиқдим, Ислом Юсупов деган ҳунарманд бола, дейишди усталар.

Мустақиллигимиз тенгдоши бўлган бу ёш ҳунарманд асли Наманган вилояти, Тўрақўрғон туманида туғилган экан. Ҳозирда Тошкент архитектура қурилиш институти талабаси, юртимиз миқёсида ўтказилган ўнлаб танловлар иштирокчиси ва ғолиби.

Ғаройиб ҳайкалчаларни ҳузурланиб томоша қилар эканман, бир чеккада енг шимариб, бутун эътиборини ишга бағишлаган йигитга кўзим тушди. Бу ёш ҳунарманд Ислом Юсупов эди.

Кейин у билан суҳбатлашдим.

— Асарларингизда муболағa бор. Бу сизни услубингизми?

— Сизга бир воқеани айтай, балки саволингизга жавоб бўлар. Анри Матисс деган машҳур ҳайкалтарош ўтган. Бир куни унинг уйига дўсти меҳмонга келибди. Устанинг асарларини кўздан кечирар экан, унга бир савол берибди: — Санъат нима?

Шунда ҳайкалтарош шогирдига филнинг ҳайкалчасини олиб келишини буюрибди. Меҳмон қараса, оддий филча, рисоладагидек вазмин ҳолда турибди. Дўстида ҳеч қандай ҳайратни сезмаган ҳайкалтарош шогирдидан иккинчи — ўзи ясаган фил ҳайкалчасини олиб келишини сўрабди. Буниси анча даргазаб, хартумлари бурнидан юқори кўтарилган, унинг сийратида қандайдир ўкирик зоҳир экан. Меҳмон анча ҳаяжонга тушибди.

Ҳайкалтарош дўстига қарата шундай дебди: — Ҳаётда филнинг хартуми бурнидан бу қадар юқори кўтарилмайди, аммо мен муболағa ишлатиб, уни шу тарзда тасвирладим. Ҳақиқий санъатни энди тушунгандирсан...

Айтмоқчиманки, ҳақиқий асар одамларни ҳайратлантиради.

— Демак, турли одамларнинг феъл-атворларини муболағa воситасида битта ҳайкалчада тасвирлашга ҳаракат қиласиз?

— Шундай. Кимдир атрофини ларзага келтириб кулади, ҳатто бутун гавдаси бараварига кулгисига қўшилиб кетади. Яна кимдир мўйловдор, бирови дўпписини бошидан қўймайди. Шуларни кўз олдимга келтириб, ижод қиламан. Сизга муболағадай кўринаётган характерлар яхлит бир кишиники эмас, уларни кўпчиликдан олганман.

Қарасам, ёш устанинг асарлари ўзидан кўра кўп нарсаларни айтиб тургандай. У фаолият юритаётган ишлаб чиқариш корхонасида, асосан, сопол ҳайкалчалар, статуэткалар, эртак қаҳрамонлари тимсолидаги қўғирчоқлар, меъморий обидалар сурати туширилган ликопчалар ва бошқа эсдалик буюмлари ишлаб чиқарилар экан.

— Буюмларга эътибор берсам, аксарияти ялтираб турибди. Демак, унинг лойида ҳам сир бор.

— Биз хомашё сифатида



Ангрен лойидан фойдаланамиз. Унга мустаҳкам бўлсин, деб қамиш момиғи қўшилади. Буюмларнинг енгил ва кўркам бўлишида янги технологияларнинг ҳам улуши бор. Аввал махсус қолиплар ясалади, кейин ҳар бир буюмга ишлов берилади, туз йиғилмаслиги учун артиб чиқилади. Юқори ҳароратдаги оловда пиширилган маҳсулот енгил ва сифатли чиқади.

Ёш устанинг таъкидлашича, корхонада ишлаб чиқарилаётган турли кулолчилик буюмлари чет элларда харидоргир эмиш. Айниқса, турли буюм ва ҳайкалчалар хориж ресторанларини безаб турибди.

Исломжон ясаган асарларни кўздан кечирар эканмиз, бир отахоннинг фикрлари ёдимизга тушди: — Ҳозирги ёшларимиз қўлга киритаётган ютуқлар эски тузумнинг катта одамларига ҳам насиб бўлмаган. Буларнинг бари мустақиллик неъматларидир...

Бобур ЭЛМУРОДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Огоҳлик

Инсоният ҳаётида оловнинг ўрни катталигини ҳеч ким инкор этмайди. Аммо айрим ҳолларда олов одамларга, давлатга катта ташвиш, ҳатто фалокатлар келтириши мумкин. Ёнғин сабабли ҳар йили дунё бўйлаб қанчалаб кишилар бошпанасиз қолади, кимлардир саломатлигидан айрилади, бевақт нобуд бўлади. Турли корхона ва ташкилотлар биноларида юз берган ёнғинлар эса кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига ҳам, иқтисодиётига ҳам зарар етказади.

Эътиборли бўлайлик

Кўнгилсизликлар юз бермаслиги учун эса ҳар биримиз ёнғинга қарши фаол кураш олиб боришимиз зарур. Ёш болаларни қаровсиз қолдириш ҳам аҳоли тураржойларида ёнғинга олиб келувчи сабаблардан бири ҳисобланади. Чунки қаровсиз қолган бола ўзича гугурт ўйнаши, электр асбобларини ишлатиб кўриши мумкин. Шу сабабли ота-оналар фарзандларини оловдан эҳтиётлаш билан бирга, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ҳам ўргатиб боришса, кўп фалокатларнинг олди олинади.

Баъзи кишилар электр ва газ тизимидаги носозликларни ўзлари билганларича таъмирлаб, катта хатога йўл қўйишади. Оқибатда ёнғин келиб чиқиш хавфи ортади ва кейинчалик бу уй эгасига анча қимматга тушиши мумкин. Айрим беғамроқ уй бекалари бўлса, газ ёки плита устида овқатни қолдириб, телефонда суҳбатга берилиб кетишади. Шундай сабаб билан ёнғин содир бўлган хонадонлар оз эмас.

Шунингдек, корхона-ташкилотлар биноларида ҳам кўпинча ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик ҳоллари катта йўқотишларга олиб келиши мумкин. Ёнғин хавфсизлигига амал қилинган жойда ҳеч бир кўнгилсиз воқеа содир бўлмайди.

Комронбек ЖЎРАЕВ,
Тошкент шаҳар, ИИББ ЁХБ, 23-ҲЁХҚ смена бошлиғи, катта лейтенант.

«Бахт уйи» учун янги бино

БУНЁДКОРЛИК

Яқинда Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш Жиззах туман бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

— «Бахт уйи»нинг замонавий, кўркам биносида биринчилардан бўлиб бизнинг никоҳимиз қайд этилди, — дейишди ёш келин-куёв Бобурбек Муртозақулов билан Барнохон Ҳамроевалар.

Янги бинода никоҳ қайд этиладиган тантаналар зали, архив, оила университети, келин-куёвлар ва фуқаролар учун кутиш жойлари каби қатор қулайликлар ҳамда туман давлат нотариал идораси жой олган. Замонавий мебеллар, алоқа воситалари, компьютер жамланмалари билан жиҳозланган.

— Дастлабки иш кунида йигирмага яқин никоҳлар қайд этилди, — дейди ФҲДЁ бўлими инспектори Муқаддас Икромова. — «Бахт уйи»нинг тантанали очилиш маросимида иштирок этган жамоатчилик вакиллари ёш оилаларнинг юртимиздаги энг бахтли оилалардан бўлишларига тилак билдиришди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕНДЕРНАЯ КОМИССИЯ ГАЖК
«УЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙУЛЛАРИ»
ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕР № 4 2014 года
на приобретение мотовоза погрузочного транспортного в количестве одной единицы.



За тендерной и технической документацией обращаться по адресу: г. Ташкент, ул. Т. Шевченко, 7, ГАЖК «Узбекистон темир йуллари» Управление «Темирйулёнилгитаъмин»: 410-каб.
тел. 237-94-72, факс. 238-84-43.
E-mail: israilov55@mail.ru
Заявки на участие в тендере принимаются в течение 30 дней с момента выхода объявления в средствах массовой информации.

ОБ-ҲАВО 13-14.09 — 2014

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+11 / +16	+25 / +30
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+12 / +17	+28 / +33
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	
+11 / +16	+28 / +33
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	
+13 / +18	+29 / +34
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	
+12 / +17	+27 / +32
Тошкент шаҳри	
+11 / +13	+28 / +30



Дунё бўйлаб (°C)

Лондон	+22 / +22
Париж	+22 / +23
Москва	+23 / +14
Мадрид	+28 / +28
Пекин	+26 / +22
Канберра	+18 / +19
Рим	+26 / +27
Афина	+29 / +29
Токио	+27 / +26
Стокгольм	+19 / +20
Кейптаун	+18 / +18
Қоҳира	+32 / +33
Гавана	+31 / +29
Вашингтон	+23 / +23

MUASSIS: O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug‘bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o‘rinbosari), Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 959
11425 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 02.20
Topshirilgan vaqti — 03.20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5